

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТЕМИР ЙЎЛЛАРДА ЮК ВА
ЙЎЛОВЧИЛАР ТАШИШ ХАВФСИЗЛИГИНИ НАЗОРAT ҚИЛИШ
ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ БОШЛИГИНИНГ
БУЙРУҒИ

404 Темир йўл транспортида ҳаракат хавфсизлиги бузи-
лишларини таснифлаш, хизмат текширувини олиб
бориш ва ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқ-
лаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил
30 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2703*

Ўзбекистон Республикасининг «Темир йўл транспорти тўғрисида»ги Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 2 мартдаги 101-сон «Ўзбекистон Республикаси Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Темир йўл транспортида ҳаракат хавфсизлиги бузилишларини тас-

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й.

нифлаш, хизмат текширувини олиб бориш ва ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Бошлиқ

Р. ИКРАМОВ

Тошкент ш.,
2015 йил 3 июль,
112-сон

Ўзбекистон Республикаси
Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш
хавфсизлигини назорат қилиш давлат
инспекцияси бошлиғининг 2015 йил
3 июлдаги 112-сонли буйруғига
ИЛОВА

**Темир йўл транспортида ҳаракат хавфсизлиги
бузилишларини таснифлаш, хизмат текширувини олиб
бориш ва ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Темир йўл транспорти тўғрисида»ги Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 2 мартдаги 101-сон «Ўзбекистон Республикаси Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида темир йўл транспортида ҳаракат хавфсизлиги бузилишларини таснифлаш, хизмат текширувини олиб бориш ва ҳисобга олиш тартибини белгилайди.

1-боб. Ҳаракат хавфсизлиги бузилишларини таснифлаш

1. Темир йўл транспортида ҳаракат хавфсизлиги бузилишлари қуйидагича таснифланади:

- поездлар ҳалокати;
- авариялар;
- ишдаги алоҳида нуқсон ҳолатлар;
- ишдаги нуқсон ҳолатлар.

2. Юк ёки йўловчилар ташиш поездлари билан бошқа поездлар ёки ҳаракатдаги таркиб тўқнашса, бекат оралиғи ва бекатларда юк ёки йўловчилар ташиш поездлари издан чиқса ҳамда оқибатда инсонлар ҳалок бўлса, оғир тан жароҳати олса ёки локомотив ёхуд вагонлар уларни ҳисобдан

чиқариш даражасида шикастланган бўлса, булар поездлар ҳалокати сифатида таснифланади.

3. Қўйидаги ҳолатлар авариялар сифатида таснифланади:

йўловчилар ташиш поездлари мазкур Низомнинг 2-бандида кўрсатилган оқибатларсиз бошқа поездлар ёки ҳаракатдаги таркиб билан тўқнашса, бекат оралиғи ва бекатларда йўловчи ташиш поездлари издан чиқса ҳамда оқибатда локомотивлар капитал таъмирлаш талаб этиладиган даражада ва (ёки) вагонлар депо ёки ундан мураккаброқ таъмирлаш талаб этиладиган даражада шикастланган бўлса;

юк ташиш поездлари мазкур Низомнинг 2-бандида кўрсатилган оқибатларсиз бошқа поездлар ёки темир йўлнинг ҳаракатдаги таркиби билан тўқнашса, бекат оралиғи ва бекатларда юк ташиш поездни издан чиқса ҳамда оқибатда локомотивлар ёки вагонлар капитал таъмирлаш талаб этиладиган даражада шикастланган бўлса;

темир йўлнинг ҳаракатдаги таркиби манёврлар, экипировкалаш ва бошқа қисқа ҳаракатлар вақтида бошқа поездлар ёки темир йўлнинг ҳаракатдаги таркиби билан тўқнашса ва издан чиқса ҳамда оқибатда инсонлар ҳалок бўлса, оғир тан жароҳатлари олса ёки локомотив ёхуд вагонлар ҳисобдан чиқариш даражасида шикастланган бўлса.

4. Қўйидагилар ишдаги алоҳида нуксон ҳолатлар сифатида таснифланади:

юк ёки йўловчи ташиш поездлари мазкур Низомнинг 2 ва 3-бандларида кўрсатилган оқибатларсиз бошқа поездлар ёки темир йўлнинг ҳаракатдаги таркиби билан тўқнашса, бекат оралиғи ва бекатларда юк ёки йўловчи ташиш поездлари издан чиқса;

поезд банд йўлга қабул қилинса;

поезд банд бекат оралиғига жўнатилса;

поезд тайёр бўлмаган маршрут бўйича жўнатилса ёки қабул қилинса;

поезд тақиқловчи ишорадан ўтиб кетса;

поезд ёки ҳаракатдаги таркиб остида йўл йўналтиргични ўтказиш;

темир йўлнинг ҳаракатдаги таркиби поездни қабул қилиш, жўнатиш маршрутига ёки бекат оралиғига кетиб қолса;

кетиш йўлида юк қулса (сочилиб кетса);

ғилдирак ўқи, ғилдирак ўқ бўйни ёки ғилдирак синса;

вагон аравачасининг ён қисми ёки рессор уст балкаси синса;

темир йўлнинг ҳаракатдаги таркибининг ўрта балкаси узилса;

техник носозликлар сабабли, ҳаракатланиш йўлидаги йўловчилар ташиш поездидан вагон узиб қолдирилса;

поезднинг чекка кранлари берк ҳолатда жўнатилса;

йўловчилар ташиш поездидан локомотив бузилиши оқибатида ёрдамчи локомотив талаб қилинса;

ҳаракатланиш йўлида ишлар бажарилиши вақтида поездлар ҳаракати учун хавфли бўлган жойлар ишоралар билан тўсилмаса;

пол усти светофоридан тақиқловчи ишора ўрнига рухсат ишораси янг-

лиш пайдо бўлса ёки секинлашиш (тўхташ) ишораси ўрнига рухсат ишораси пайдо бўлса;

поездлар ҳаракати хавфсизлигига масъул бўлган темир йўл ходимларининг айби билан поезд автотранспорт воситаси ёки бошқа ўзи юрар машина билан тўқнашса;

бекатда тақиқловчи ишорадан ўтиб кетиш ҳолатини юзага келтирган рухсат ишораси тақиқловчи ишорага алмашиб қолса;

ҳаракатланаётган поезд остида рельс синса.

5. Қўйидагилар ишдаги нуқсон ҳолатлар сифатида таснифланади:

букса қизиб кетса ёки бошқа техник носозликлар сабабли вагон ҳаракатланиш йўлидаги юк ташиш поездидан узиб қолдирилса;

поезддаги автоулагичлар ўз ўзидан ажралиб кетса;

йўналтиргич кесилса;

юк ортиш қоидаларининг ҳаракат хавфсизлигига таҳдид солувчи даражада бузилиши оқибатида оралиқ бекатда поезддан вагон узиб қолдирилса;

темир йўлнинг ҳаракатдаги таркибининг автоулагичи синиб узилса;

темир йўлнинг ҳаракатдаги таркиби деталлари йўлга тушиб қолса;

манёврларда, экипировкалашда ва бошқа қисқа ҳаракатларда темир йўлнинг ҳаракатдаги таркиби мазкур Низомнинг 3-банди тўртинчи хатбошида кўрсатилган оқибатларсиз издан чикса;

манёврларда, экипировкалашда ва бошқа қисқа ҳаракатларда темир йўлнинг ҳаракатдаги таркиби мазкур Низомнинг 3-банди тўртинчи хатбошида кўрсатилган оқибатларсиз бошқа поездлар ёки темир йўлнинг ҳаракатдаги таркиби билан тўқнашса, оқибатда локомотивлар жорий таъмир даражасида ёки вагонларни узиб олган ҳолда жорий таъмирлаш ёхуд темир йўлнинг ҳаракатдаги таркиби янада мураккаброқ таъмирлаш даражасида шикастланган бўлса;

темир йўлнинг ҳаракатдаги таркиби қурилма, механизмлар, жиҳозлар ва бегона предметлар устига юриб келиб урилса;

бекатлар оралиғи йўлларининг бирида ёки бекатда ҳаракат графигида белгиланган вақтдан йўловчилар ташиш поездининг бир соатдан кўпроқ, бошқа поездларнинг эса, уч соатдан кўпроқ ушланиб қолишига сабаб бўлувчи йўл, темир йўлнинг ҳаракатдаги таркиби, сигналлаштириш, марказлаштириш, блокировкалаш ва алоқа, контакт тармоғи, электр таъминоти қурилмалари ва бошқа техник воситаларнинг носозликлари юзага келса.

2-боб. Хизмат текширувини олиб бориш

6. Темир йўл транспортида ҳаракат хавфсизлиги бузилишлари бўйича барча ҳолатларни ва ҳаракат хавфсизлиги бузилишларининг сабаблари, оқибатлари, уларда айбдор бўлган шахсларни аниқлаш ҳамда келгусида ҳаракат хавфсизлиги бузилишлари келиб чиқишининг олдини олиш мақсадида хизмат текшируви ўтказилади.

7. Умумий фойдаланишдаги темир йўллар ва (ёки) идораларга қарашли темир йўл шохобча йўлларига мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи ёки бошқа мулк

кий ҳуқуқлар асосида эгалик қилувчи (бундан буён матнда темир йўлга эгалик қилувчи деб юритилади) томонидан ҳаракат хавфсизлиги бузилишлари ҳақида маълумот олинганда, 5 соатдан кечиктирмасдан хизмат текширувини ўтказиш комиссияси (бундан буён матнда комиссия деб юритилади) тузилади.

Комиссия таркибига «Ўздавтемирийўлназорат» инспекцияси ва (ёки) минтақавий филиали ва ҳаракатдаги таркиб мулкдорларининг вакиллари, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати вакиллари (автотранспорт воситалари билан боғлиқ ҳаракат хавфсизлиги бузилишлари ҳолатларида) ҳамда бошқа шахслар келишув асосида киритилиши лозим.

8. Қуйидагилар комиссиянинг асосий вазифалари ҳисобланади:

жойига чиққан ҳолда ҳаракат хавфсизлиги бузилишларининг юзага келиш ҳолатлари ва сабабларини ўрганиш;

ҳаракат хавфсизлиги бузилишларининг оқибатларини бартараф этиш бўйича зарур чоралар кўриш;

жабрланган шахсларга тегишли ёрдам кўрсатиш, темир йўл транспорти ҳаракатини тиклаш;

темир йўлнинг ҳаракатдаги таркибининг, умумий фойдаланишдаги темир йўллар ва идораларга қарашли темир йўл шохобча йўлларида темир йўл транспорти инфратузилмаси объектларининг амалдаги ҳолатини темир йўл транспортдан фойдаланишни ва ҳаракат хавфсизлигини тартибга солувчи норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини баҳолаш;

ҳаракат хавфсизлиги бузилишларини келтириб чиқарган ёки уларнинг юзага келишига сабаб бўлган темир йўл транспортида, шунингдек умумий фойдаланишдаги темир йўлларда ва идораларга қарашли темир йўл шохобча йўлларида ишлаётган ходимларнинг ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) баҳолаш;

хизмат текшируви натижалари бўйича шакллантирилган йиғмажилдни 20 кун ичида таҳлил қилиш ва сақлаш учун «Ўздавтемирийўлназорат» инспекциясига тақдим этиш.

9. Ҳаракат хавфсизлиги бузилишлари содир бўлган жойда комиссия томонидан:

тезликни ўлчаш тасмаси, хотира модули ёки темир йўлнинг ҳаракатдаги таркиби ҳаракати параметрларини қайд этиш кассетаси, поезднинг натур варағи, поездни тормозлар билан таъминланганлиги тўғрисидаги маълумотнома, ҳаракат тезлигини чеклаш тўғрисидаги огоҳлантиришлар ва локомотивнинг борт журнали олинади (агар сақланиб қолган бўлса);

ҳаракатланиш йўлининг бузилган жойи ва темир йўлнинг ҳаракатдаги таркибининг жойлашиши, километр ва пикетга боғлаган ҳолда унинг рельсдан чиқиш излари, темир йўлнинг ҳаракатдаги таркибининг издан чиқиши бошланган ва тўхтаган жойи кўрсатилган схема чизилади;

умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти инфратузилмаси ва (ёки) идораларга қарашли темир йўл шохобча йўлларида тегишли объектларнинг

хамда темир йўлнинг ҳаракатдаги таркибининг шикастланиши ва оқибатлари, аниқланган бегона предметлар, темир йўлнинг ҳаракатдаги таркибининг деталлари ва узеллари жойлашишининг умумий кўриниши фотосуратга туширилади, темир йўл транспорти инфратузилмаси ва темир йўлнинг ҳаракатдаги таркибига етган талофат оқибатлари видеотасвирга туширилади;

умумий фойдаланишдаги темир йўллар ва (ёки) идораларга қарашли темир йўл шохобча йўллариға тегишли объектларнинг техник ҳолати ва иши тўғрисида далолатнома тузилади;

ҳаракат хавфсизлиги бузилишларига дахлдор ва воқеаға гувоҳ бўлган шахсларни аниқлайди;

ҳаракат хавфсизлиги бузилишлари содир бўлган вақтдаги об-ҳаво шaroитлари қайд қилинади.

10. Ҳудудида ҳаракат хавфсизлиги бузилишлари содир бўлган темир йўлга эғалик қилувчи хизмат текширувини ўтказиш муддати давомида ҳаракат хавфсизлиги бузилиши сабабларини аниқлашға хизмат қилувчи ҳужжатлар, темир йўлнинг юқори кўтармаси элементлари, темир йўлнинг ҳаракатдаги таркибининг деталлари ва бошқа предметларнинг сақланишини таъминлаши шарт. Зарур ҳолларда, комиссия тегишли ҳужжатлар, деталлар ва предметларни махсус текширув ёки синовларға юбориши мумкин.

11. Хизмат текширувини ўтказиш муддати 15 кундан ортиқ бўлмаслиги керак.

3-боб. Хизмат текшируви натижаларини расмийлаштириш

12. Хизмат текшируви натижаларига кўра поездлар ҳалокати ва авариялар бўйича мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ, ишдаги алоҳида нуқсон ҳолатлар ва ишдаги нуқсон ҳолатлар бўйича мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шаклда далолатнома тузилади.

13. Комиссия аъзолари комиссия зиммасига юклатилган барча вазифаларнинг тўлиқ ва ўз вақтида бажарилиши, хизмат текшируви натижаларининг тўғри расмийлаштирилиши, хулосаларнинг асослилиги, материалларнинг сифати учун масъулдир.

14. Хизмат текшируви натижалари бўйича комиссия томонидан барча материалларни ўз ичига олган 3 та асл нусхада йиғмажилд шакллантирилади.

15. Йиғмажилдда қуйидаги ҳужжатлар бўлиши шарт:

тегишли хизмат текшируви далолатномаси;

комиссия томонидан тузилган ҳаракат хавфсизлиги бузилишларининг келиб чиқиш сабаблари кўрсатилган техник хулоса;

мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шаклдаги жабрланган шахслар ҳақидаги маълумотлар ва дастлабки ташхислар;

мазкур Низомнинг 4 ва (ёки) 5-иловаларига мувофиқ шаклдаги умумий фойдаланишдаги темир йўллар ёки идораларға қарашли темир йўл шохобча йўллариға мансуб бўлган вагон ва (ёки) локомотивнинг шикастланганлиги (носозлиги) тўғрисида далолатнома;

умумий фойдаланишдаги темир йўллар ёки идораларга қарашли темир йўл шохобча йўлларига тегишли бўлган техник қурилмалар, объектлар ҳамда темир йўлнинг ҳаракатдаги таркибининг ҳаракат хавфсизлиги бузилишида юзага келган сақланиш меъёрларидан чекинишлар ва шикастланишлар кўрсатилган схемалар (фото, видеотасвир ва бошқа қайд қилиш усулларидан фойдаланиб тасвирга туширилган ҳаракат хавфсизлиги бузилиши сабабларини тасдиқловчи материаллар асосида);

ҳаракат хавфсизлиги бузилишига дахлдор бўлган темир йўлнинг ҳаракатдаги таркибининг тезликни ўлчаш тасмаси, хотира модули ёки темир йўлнинг ҳаракатдаги таркиби ҳаракати параметрларини қайд этиш кассетаси таҳлили натижалари;

мазкур Низомнинг 6-иловасига мувофиқ шаклдаги умумий фойдаланишдаги темир йўллар ва (ёки) идораларга қарашли темир йўл шохобча йўлларига тегишли объектларнинг техник ҳолати ва иши тўғрисида далолатнома; поездларнинг натур варақлари;

ўтказилган махсус текширув ва синовларнинг натижалари (агар ўтказилган бўлса);

поездлар ҳаракатининг ижро этилган графиги нусхаси;

ҳаракат хавфсизлиги бузилиши содир бўлгунга қадар умумий фойдаланишдаги темир йўллар ва (ёки) идораларга қарашли темир йўл шохобча йўлларига тегишли объектлардан ҳамда темир йўлнинг ҳаракатдаги таркибидан фойдаланиш тўғрисидаги маълумотлардан кўчирмалар;

метеорологик маълумотнома;

ҳаракат хавфсизлиги бузилишига дахлдор бўлган ҳаракат хавфсизлиги учун масъул бўлган темир йўл ходимлари ҳақидаги тегишли маълумотлар, уларнинг тушунтиришлари, меҳнат ва дам олиш режими, техник фойдаланиш қоидалари, норматив ҳужжатлар ва лавозим йўриқномаларини билиш даражаси юзасидан ўтказилган охириги синов маълумотлари, тиббий кўрик ҳулосаси.

16. Йиғмажилднинг асл нусхалари «Ўздавтемирийўлназорат» инспекцияси, темир йўлга эгалик қилувчи ва темир йўлнинг ҳаракатдаги таркиби мулкдорларига берилади ва 10 йил давомида сақланади.

17. Ҳаракат хавфсизлиги бузилиши бўйича темир йўлга эгалик қилувчи томонидан ҳаракат хавфсизлиги бузилишлари такрорланишининг олдини олиш чоралари ишлаб чиқилади ва амалга оширилади.

4-боб. Ҳаракат хавфсизлиги бузилишларини ҳисобга олиш

18. Поездлар ҳалокати ёки аварияларнинг ҳар бир ҳолати бўйича темир йўлга эгалик қилувчи томонидан тегишли далолатномага асосан бир нусхада мазкур Низомнинг 7-иловасига мувофиқ шаклда поездлар ҳалокати ёки аварияларни ҳисобга олиш карточкаси тўлдирилади ва сақланади.

Ушбу карточка маълумотлари темир йўлга эгалик қилувчининг поезд-

лар ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича масъул ходимлари томонидан «Ўздавтемирийўлназорат» инспекциясига 15 кун ичида тақдим этилади.

19. Ҳар бир ишдаги алоҳида нуқсон ва ишдаги нуқсон ҳолатлар бўйича зарур маълумотлар тегишли далолатномага асосан темир йўлга эгалик қилувчи ва «Ўздавтемирийўлназорат» инспекцияси томонидан мазкур Низомнинг 8-иловасига мувофиқ шаклдаги ҳаракат хавфсизлиги бузилишларини ҳисобга олиш журнаliga киритилади.

20. Йўл қўйилган ҳаракат хавфсизлиги бузилишлари бўйича маълумотлар темир йўлга эгалик қилувчи томонидан мазкур Низомнинг 9-иловасига мувофиқ шаклда «Ўздавтемирийўлназорат» инспекцияси ва унинг минтақавий филиалига тақдим этилади.

21. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

5-боб. Якуний қоида

22. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти билан келишилган.

Ички ишлар вазири

А. АХМЕДБАЕВ

2015 йил 29 июнь

Фавқулодда вазиятлар вазири

Т. ХУДАЙБЕРГЕНОВ

2015 йил 30 июнь

*Савдо-саноат
палатаси раиси*

А. ШАЙХОВ

2015 йил 1 июль

*«Ўзбекистон темир йўллари»
акциядорлик жамияти
бошқаруви раиси*

А. РАМАТОВ

2015 йил 2 июль

Темир йўл транспортида ҳаракат хавфсизлиги бузилишларини таснифлаш, хизмат текширувини олиб бориш ва ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

**Поездлар ҳалокати ёки авариялар бўйича ўтказилган хизмат текшируви тўғрисида
ДАЛОЛАТНОМА**

20__ йил «__» _____

(далолатнома тузиш жойи)

Комиссия томонидан ўтказилган хизмат текшируви давомида куйидагилар аниқланди:

I. Ҳаракат хавфсизлиги бузилиши жиҳатлари

II. Назорат маълумотлари

1. Ҳаракат хавфсизлиги бузилиши натижасида шикастланган поезд тўғрисида маълумот:

Поезд тури	Поезд рақами	Локомотив русуми ва рақами	Поездининг умумий оғирлиги	Поезд таркиби										
				умумий вагонлар сони		шундан:			умумий ўқлар сони	локомотив ўқлари	шундан:			
				юклаган	юксиз	юк вағони	йўловчи вағони	рефрижератор вағон			вагон ўқлари			
										2 ўқли	4 ўқли	6 ўқли	8 ўқли	

2. Ҳаракат хавфсизлиги бузилишининг оқибатлари

Инсонларга етказилган зарар даражаси				
Ҳалок бўлганлар сони	Тан жароҳатлари олганлар сони	шундан:		
		оғир тан жароҳати олганлар сони	ўртача оғир тан жароҳати олганлар сони	енгил тан жароҳати олганлар сони

Темир йўлнинг ҳаракат таркиби	Издан чиққан темир йўл ҳаракат таркиби сони	Издан чиққан темир йўл ҳаракат таркибининг талаб этиладиган таъмирлаш даражаси		
		Завод	Депо	Жорий
Локомотив				
Юк ташиш вагонлари	2 ўқли			
	4 ўқли			
	6 ўқли			
	8 ўқли			
Йўловчи вагонлари				
Рефрижератор вагонлар				

Йўлнинг шикастланиши				Ҳаракат хавфсизлиги бузилиши оқибатида кўрилган тахминий зарар миқдори (сўм)	Ҳаракатнинг тикланиш вақти (соат, дақиқа)	
Йўл (метр)	Йўналтиргич (дона)	Контакт тармоғи (метр)	Йиқитилган таянчлар (дона)		бир йўлда	тўлиқ

3. Ҳаракат хавфсизлиги бузилиши тавсифи (тўлдирилсин, кераксизи ўчирилсин):

асосий йўллар сони _____ та, кўтарилиш (пастлашиш) _____ фоиз; _____ метр узунликдаги майдонча; _____ метр радиусдаги эгри йўл, _____ метр узунликдаги тўғри йўл, _____ метр чуқурликдаги ўйик, баландликдаги кўтарма, сигналлаштириш, алоқа воситалари _____.

4. Куннинг вақти ва об-ҳаво шароитлари:

(куннинг вақти, об-ҳаво ҳолати (ҳаво ҳарорати, очик, туман, қор, бўрон, ёмғир, шамол), кўриниш даражаси)

5. Ҳаракат хавфсизлиги бузилишида темир йўлнинг ҳаракатдаги таркиби жойлашиши (схема ва фотосурат илова қилинади).

6. Йўлнинг юкори кўтармасида _____ турдаги рельс, _____ турдаги бириктиргичлар;

30 (686)-сон

— 47 —

404-модда

_____ турдаги балласт, _____ та ёғоч, _____ та темир-бетон шпаллар бир км масофада жойлашган.

7. Йўлни кўриқдан ўтказишда _____
(йўл ҳолати ва меъёрлардан чекинишлар)

_____ аниқланди.

8. Ҳаракатдаги таркибнинг юриш қисмини кўриқдан ўтказишда _____

(юриш қисмининг ҳолати, меъерий ўлчами ва қўйимлардан чекинишлари)

_____ аниқланди.

9. Тиркама ва зарбали асбобларни кўриқдан ўтказишда _____

(ҳолати, меъерий ўлчам ва қўйимлардан чекинишлар кўрсатилсин)

_____ аниқланди.

10. Йўл ҳамда поезд ишораларининг жойлашиши, кўриниши ва ҳолати

11. Поезд машинистига бекат навбатчиси томонидан берилган огоҳлан-тириш: _____

(огоҳлантириш берилганлиги, огоҳлантириш тури)

12. Поезд ҳаракатининг белгиланган ва амалдаги тезлиги: _____

(амалдаги тезлик қайси йўл билан аниқлангани кўрсатилсин)

13. Поезд таркиби тузилишида йўл қўйилган камчиликлар: _____

14. Поезднинг тормозлар билан таъминланганлик ҳолати: _____

(автотормозли ўқлар сони, поезд узилган ҳолда қуйруқ ва бош қисмлари учун алоҳида кўрсатиладиган тонналарда

ўлчанадиган жамланма тормоз босими, ва қўлда ишга туширилганда белгиланган ёки амалдаги тормоз босими)

15. Поезд таркибида амалдаги тормоз ўқларининг жойлашиш схемаси (илова қилинади).

16. Автотормозларнинг аниқланган носозликлари: _____

17. Локомотив ва вагонлардаги тормоз колодкаларнинг ҳолати: _____

(тормоз колодкаларининг тури, қизиганлик ва гилдирак бандажларига тақалиш даражаси)

18. Автотормоз енглари ва чекка кранларнинг ҳаракат хавфсизлиги бузилиши жойидаги ҳолати: _____

19. Локомотив автотормозларидан қўлланилганлиги: _____

20. Локомотив бош резервуаридаги ҳаво босими _____ кг/см².

21. Автотормозларнинг синовдан ўтказилганлиги: _____

(качон, қаерда, ким томонидан ва қандай синовдан ўтказилган)

22. Локомотивда бошқарув дастаги, реверс, машинист крани ва машинистнинг ёрдамчи тормозининг ҳолати _____

23. Машинист томонидан поездни тўхтатиш учун кўрилган чоралар: _____

(машинистнинг ҳаракатлари кетма-кетлиги, ҳаракат хавфсизлиги бузилиши жойигача тормозлаш бошланган масофа)

24. Ҳаракат хавфсизлиги бузилишида аҳамиятли бўлган локомотивдаги носозликлар: _____

25. Машинистга берилган ишоралар: _____

(качон ва ким томонидан)

26. Ҳаракат хавфсизлиги бузилиши сабабларини аниқлашга аҳамиятли бўлган қўшимча маълумотлар: _____

27. Комиссия келгунига қадар ҳаракат хавфсизлиги бузилиши оқибатида шикастланишларни бартараф этиш ҳолатлари: _____

(қайси ходим ва унинг ҳаракатлари)

28. Тиклаш поезда келгунга қадар ҳаракатни тиклаш бўйича кўрилган чоралар: _____

29. Жабрланганларга кўрсатилган ёрдам: _____

(ким томонидан, қачон ва қандай ёрдам кўрсатилган)

30. Ҳаракат хавфсизлиги бузилишини тиклаш воситалари

Тиклаш воситаларини чақириш вақти		Талаб этилган тиклаш воситалари тури	Тиклаш воситаларининг манзили (чақирилган вақтда)	Тиклаш воситасининг тайёр бўлган вақти		Тиклаш воситасининг жўнаш вақти		Тиклаш воситасининг босиб келган масофа (км)	Тиклаш воситасининг ҳаракат хавфсизлиги бузилиши жойига етиб келиш вақти	
соат	дақиқа			соат	дақиқа	соат	дақиқа		соат	дақиқа
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11

Изоҳ: 3-устундаги тиклаш воситалари қуйидаги қисқартмалар билан кўрсатилади: локомотив, дала-авария командаси (ДАК), тиклаш поезда (ТП), ёнғин поезда (ЁП), катта қувватли кран (Т).

31. Ҳаракат хавфсизлиги бузилишини тиклаш вақтида қўйидаги ишчи кучларидан фойдаланилди:

_____ (тиклаш воситасининг ходимлари, қўшимча жалб қилинганлар, шу жумладан ҳарбийлар)

32. Ҳаракат хавфсизлиги бузилиши оқибатида шикастланган темир йўлнинг ҳаракатдаги таркибини тўлиқ йиғиш вақти: _____.

(йил, ой, кун, соат)

33. Ҳаракат хавфсизлиги бузилиши оқибатида сочилиб кетган юкни тўлиқ йиғиш вақти: _____.

(йил, ой, кун, соат)

34. Ҳаракат хавфсизлиги бузилишига дахлдор бўлган темир йўл транспорти ходимларининг иш ва дам олиш вақти:

Т/р	Ф.И.О.	Лавозими	Иш меъёри (соат)	Ишда бўлиш вақти (соат)	Ишдан олдин дам олиш (соат)

Изоҳ: темир йўл ташишлари хавфсизлигини таъминлаш бўйича норматив-техник ҳужжатлар ижроси бузилишига йўл қўйган темир йўл транспорти ходимлари тўғрисидаги маълумотлар мазкур далолатномага илова тарзида киритилади. Фамилияси, исми ва отасининг исми, лавозимга қабул қилинган вақти, темир йўл транспортдаги иш стаж-и, юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлашга қаратилган норматив-техник ҳужжатларни билиши юзасидан синов (қачон) ўтказилганлиги кўрсатилиши, хизмати юзасидан интизомий жазо чоралари ва рағбатлантиришлар (тавсифнома) илова қилиниши лозим.

III. Ҳаракат хавфсизлиги бузилиши ва темир йўл ташишлари хавфсизлигини таъминлашга қаратилган норматив-техник ҳужжатларга риоя қилинмаганлик сабаблари

35. Ҳаракат хавфсизлиги бузилиши ва норматив-техник ҳужжатларга риоя қилинмаганлик сабабларининг қисқача тавсифи _____

36. Ҳаракат хавфсизлиги бузилиши жойида комиссия томонидан ҳаракат хавфсизлигининг бузилишини аниқлашда аҳамиятли бўлган предметлар ва ҳужжатлар: _____

37. Далолатномага қуйидагилар илова қилинади:

Комиссия аъзолари:

_____	_____
(лавозими, Ф.И.О.)	(имзо)
_____	_____
(лавозими, Ф.И.О.)	(имзо)
_____	_____
(лавозими, Ф.И.О.)	(имзо)

Темир йўл транспортида ҳаракат хавфсизлиги бузилишларини таснифлаш, хизмат текширувини олиб бориш ва ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

**Ишдаги алоҳида нуқсон ҳолатлар ва ишдаги нуқсон ҳолатлар бўйича ўтказилган хизмат текшируви натижалари юзасидан
ДАЛОЛАТНОМА**

Ушбу далолатнома 20__ йил «__» _____ куни _____ да
(бекат, бекат оралиғи)

(комиссия аъзоларининг Ф.И.О.)

_____лар томонидан тузилди.

20__ йил «__» _____ куни, соат _____ да _____

(бекат, бекат оралиғи, км)

(нуқсон тури ва жихатларининг қисқача тавсифи)

Куннинг вақти ва об-ҳаво шароитлари: _____

(куннинг вақти, об-ҳаво ҳолати (ҳаво ҳарорати, очик, туман, қор, бўрон, ёмғир, яхвонлик, шамол), кўриниш даражаси)

Ҳаракат хавфсизлиги бузилиши келтириб чиқарган оқибатлар: _____

(темир йўлнинг ҳаракатдаги таркиби, йўлнинг шикастланиши, ҳаракатнинг тўхталиши ва манёвр ишининг бузилиши)

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й.

Изоҳ: далолатномага темир йўлнинг ҳаракатдаги таркиби ва йўлнинг шикастланиш даражаси ҳақидаги тегишли ҳужжатлар илова қилинади.

Темир йўлда ташишлар хавфсизлигини таъминлашга қаратилган норматив-техник ҳужжатлар бузилишига йўл қўйган темир йўл ходимлари тўғрисида маълумотлар:

(транспортда ва эгаллаб турган лавозимидаги иш стажи, ишда бўлиш ва дам олиш вақти, муқаддам интизомий жазо

чораси қўлланилганлиги)

Ҳаракат хавфсизлиги бузилиши сабаблари тўғрисида хулоса:

(юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлаш бўйича норматив-техник ҳужжатларнинг бузилган бандлари)

Комиссия аъзолари:

(лавозими, Ф.И.О.)

(имзо)

(лавозими, Ф.И.О.)

(имзо)

(лавозими, Ф.И.О.)

(имзо)

Темир йўл транспортида ҳаракат хавфсизлиги бузилишларини таснифлаш, хизмат текширувини олиб бориш ва ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

**Жабрланган шахслар ҳақидаги маълумотлар ва дастлабки
ТАШХИСЛАР**

Т/р	Жабрланган шахснинг Ф.И.О.	Яшаш манзили	Иш жойи ва лавозими	Дастлабки ташхиси
	1	2	3	4

404-модда

— 52 —

30 (686)-сон

Темир йўл транспортида ҳаракат хавфсизлиги бузилишларини таснифлаш, хизмат текширувини олиб бориш ва ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

**Вагон шикастланганлиги тўғрисида
ДАЛОЛАТНОМА**

20__ йил «__» _____
(далолатнома тузиш жойи)

Ушбу далолатнома 20__ йил «__» _____ кун, соат _____
(рўйхатга олинган жой) _____ да рўйхатга олинган, _____ йилда ишлаб

чиқарилган, охирги маротаба _____ режавий таъмирдан
(жорий, депо, завод)

_____ да _____ йил «__» _____ да
(таъмирланган жой)

ўтказилганда _____ -сонли вагон _____
(темир йўлларида техник фойдаланиш,

манёвр ишлари, юк ортиш ва маҳкамлаш қондалари ва бошқалар)

бузилиши оқибатида _____ айби билан

(темир йўлга эгалик қилувчи)

_____ шикастланганлиги тўғрисида тузилди.
(йўл, поезд, шохобча йўли)

Т/р	Шикастланган вагонлар тури ва рақами	Шикастланган деталлар сони	Шикастланган деталлар қиймати
1.			
2.			
...			

Қўшимча маълумотлар: _____

Шикастланган вагонни _____ талаб этилади.
(талаб этилаётган таъмир ёки ҳисобдан чиқариш)

Комиссия аъзолари:

_____ (лавозими, Ф.И.О.)

_____ (имзо)

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й.

(лавозими, Ф.И.О.)

(имзо)

(лавозими, Ф.И.О.)

(имзо)

Темир йўл транспортида ҳаракат хавфсизлиги бузилишларини таснифлаш, хизмат текширувини олиб бориш ва ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомга
5-ИЛОВА

Локомотивнинг шикастланганлиги (носозлиги) тўғрисида ДАЛОЛАТНОМА

20__ йил «___» _____

(далолатнома тузиш жойи)

Ушбу далолатнома _____ русумли, _____ рақамли, _____ секция рақамли локомотив бўйича 20__ йил «___» _____ куни _____ да ҳаракат хавфсизлиги бузилиши содир бўлганлиги тўғрисида тузилди.

Локомотив _____ депосида рўйхатга олинган.
(рўйхатга олинган депо номи)

Локомотив машинисти _____
(Ф.И.О.)

Шикастланган ускунанинг номи _____

Шикастланган ускунанинг чизмаси рақами _____

Ишлаб чиқарувчи завод: _____

Шикастланган ускунанинг қисмларга ажратилиб охириги таъмирланганлиги тўғрисида маълумотлар:

Маълумотлар	Таъмирлаш даражаси					техник хизмат кўрсатиш ТХ-2, ТХ-3, ТХ-4
	капитал КТ-2	капитал КТ-1	кўтарма ЖТ-3	катта даврий ЖТ-2	кичик даврий	
Таъмирланган сана						
Таъмирлаш пункти						
Таъмирланган вақтдан кейин босиб ўтилган йўл (км)						

Харакат хавфсизлиги бузилиши оқибатида шикастланганлик ҳақидаги маълумотлар: _____

(содир бўлган шароит, оқибатлари тавсифи, ускунанинг паспорт маълумотлари ва тузилмавий ўзига хосликлари)

Ускунанинг шикастланиш сабаблари тўғрисида техник хулоса: _____

Шикастланишларнинг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича чоралар: _____

(ускунани алмаштириш, пайвандлаш йўли билан таъмирлаш, янги ўрнатилган ускунанинг ўлчамлари, тирқишларнинг ўлчамлари)

Комиссия аъзолари:

_____ (лавозими, Ф.И.О.)

_____ (имзо)

_____ (лавозими, Ф.И.О.)

_____ (имзо)

_____ (лавозими, Ф.И.О.)

_____ (имзо)

Темир йўл транспортида ҳаракат хавфсизлиги бузилишларини таснифлаш, хизмат текширувини олиб бориш ва ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомга
6-ИЛОВА

**Умумий фойдаланишдаги темир йўллар ва (ёки) идораларга қарашли темир йўл шохобча йўлларига тегишли объектларнинг техник ҳолати ва иши тўғрисида
ДАЛОЛАТНОМА**

20__ йил «__» _____

_____ (далолатнома тузиш жойи)

Ушбу далолатнома ҳаракат хавфсизлиги бузилишига дахлдор бўлган умумий фойдаланишдаги темир йўллар ва (ёки) идораларга қарашли темир йўл шохобча йўлларига тегишли объектларнинг техник ҳолати ва иши ҳақида тузилди ва қуйидагилар аниқланди:

_____ (темир йўл объектларининг белгиланган техник меъёрларга мувофиқлиги, ишидаги нуксонлар ва меъёрлардан чекинишлар,

_____ техник жиҳатдан созлиги, бажарилган техник хизматлар ва таъмирлашлар)

Комиссия аъзолари:

(лавозими, Ф.И.О.)

(имзо)

(лавозими, Ф.И.О.)

(имзо)

(лавозими, Ф.И.О.)

(имзо)

Темир йўл транспортида ҳаракат хавфсизлиги бузилишларини таснифлаш, хизмат текширувини олиб бориш ва ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомга
7-ИЛОВА

**Поездлар ҳалокати ва аварияларни ҳисобга олиш
КАРТОЧКАСИ**

Т/р	Сана ва вақт	Ҳаракат хавфсизлиги бузилиши тури	Ҳаракат хавфсизлиги бузилиши содир бўлган жой (бекат, бекат оралиги, км)	Поезд рақами, локомотив русуми, рақами, поезд оғирлиги ва ўқлар сони	Ҳаракат хавфсизлиги бузилиши сабаблари ва жиҳатлари	Темир йўлга эгалик қилувчининг таркибий бўлинимаси
	1	2	3	4	5	6

Жадвалнинг давоми

Темир йўл хўжалиги бирлигининг номи	Ҳаракат хавфсизлиги бузилиши жойига чиққан шахслар (лавозими ва Ф.И.О.)	Хизмат текшируви далолат-номаси тузилган сана	Айбдор шахслар		Юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлиги бўйича норматив-техник ҳужжатларнинг бузилган бандлари	Қўлланилган интизомий жазо чораси	Ҳаракат хавфсизлиги бузилишлари жиҳатларини кўриб чиқиш санаси	Хизмат текширувини ўтказиш бўйича буйруқ рақами ва санаси	Хизмат текширувининг тугатилиш санаси
			лавозими	Ф.И.О.					
7	8	9	10	11	12	13	14	15	16

Темир йўл транспортида ҳаракат хавфсизлиги бузилишларини таснифлаш, хизмат текширувини олиб бориш ва ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомга
8-ИЛОВА

30 (686)-сон

Ҳаракат хавфсизлиги бузилишлари ҳолатларини ҳисобга олиш ЖУРНАЛИ

Т/р	Сана ва вақт	Ҳаракат хавфсизлиги бузилиши тури	Ҳаракат хавфсизлиги бузилиши содир бўлган жой (бекат, бекат оралиги, км)	Поезд рақами, локомотив русуми, рақами, поезд оғирлиги ва ўқлар сони	Ҳаракат хавфсизлиги бузилиши сабаблари ва жиҳатлари	Темир йўлга эгалик қилувчининг таркибий бўлинмаси
	1	2	3	4	5	6

Жадвалнинг давоми

Темир йўл хўжалиги бирлигининг номи	Ҳаракат хавфсизлиги бузилиши жойига чиққан шахслар (лавозими ва Ф.И.О.)	Хизмат текширувини далолатномаси тузилган сана	Айбдор шахслар		Юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлиги бўйича норматив-техник ҳужжатларнинг бузилган бандлари	Қўлланилган интизомий жазо чораси	Ҳаракат хавфсизлиги бузилишлари жиҳатларини кўриб чиқиш санаси	Хизмат текширувини ўтказиш бўйича буйруқ рақами ва санаси	Хизмат текширувининг тугатилиш санаси
			лавозими	Ф.И.О.					
7	8	9	10	11	12	13	14	15	16

— 57 —

404-модда

Темир йўл транспортида ҳаракат хавфсизлиги бузилишларини таснифлаш, хизмат текширувини олиб бориш ва ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомга
9-ИЛОВА

404-модда

20__ йилнинг _____ оyi ва ўтган ____ ой давомида
_____ йўлларида йўл қўйилган

(темир йўлга эгалик қилувчининг номи)

ҳаракат хавфсизлиги бузилишлари бўйича
МАЪЛУМОТЛАР

Ҳаракат хавфсизлиги бузилиши турлари	Январь	Февраль	Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь	20__ йил- нинг ўтган __ оyi давомида жами
Поездлар ҳалокати													
Юк ёки йўловчилар ташиш поездлари билан бошқа поездлар ёки ҳаракатдаги таркиб тўқнашса, бекат оралиги ва бекатларда юк ёки йўловчилар ташиш поездлари издан чиқса ҳамда оқибатда инсонлар ҳалок бўлса, оғир тан жароҳати олса ёки локомотив ёхуд вагонлар уларни ҳисобдан чиқариш даражасида шикастланган бўлса.													
Авариялар													
Йўловчилар ташиш поездлари Темир йўл транспортида ҳаракат хавфсизлиги бузилишларини таснифлаш, хизмат текширувини олиб бориш ва ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-бандида кўрсатилган													

— 58 —

30 (686)-сон

Ҳаракат хавфсизлиги бузилиши турлари	Январь	Февраль	Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь	20__ йил-нинг ўтган __ ойи давомида жами
оқибатларсиз бошқа поездлар ёки ҳаракатдаги таркиб билан тўқнашса, бекат оралиги ва бекатларда йўловчи ташиш поездлари издан чиқса ҳамда оқибатда локомотивлар капитал таъмирлаш талаб этиладиган даражада ва (ёки) вагонлар депо ёки ундан мураккаброқ таъмирлаш талаб этиладиган даражада шикастланган бўлса;													
юк ташиш поездлари Темир йўл транспортида ҳаракат хавфсизлиги бузилишларини таснифлаш, хизмат текширувини олиб бориш ва ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-бандида кўрсатилган оқибатларсиз бошқа поездлар ёки темир йўлнинг ҳаракатдаги таркиби билан тўқнашса, бекат оралиги ва бекатларда юк ташиш поездлари издан чиқса ҳамда оқибатда локомотивлар ёки вагонлар капитал таъмирлаш талаб этиладиган даражада шикастланган бўлса;													
темир йўлнинг ҳаракатдаги таркиби манёврлар, экипировкалаш ва бошқа қисқа ҳаракатлар вақтида бошқа поездлар ёки темир йўлнинг ҳаракатдаги таркиби билан тўқнашса ва издан чиқса ҳамда оқибатда инсонлар ҳалок бўлса, оғир тан жароҳатлари олса ёки локомотив ёхуд вагонлар ҳисобдан чиқариш даражасида шикастланган бўлса.													

Ҳаракат хавфсизлиги бузилиши турлари	Январь	Февраль	Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь	20__ йил- нинг ўтган __ оин давомида жами
Ишдаги алоҳида нуқсон ҳолатлар													
юк ёки йўловчи ташиш поездлари Темир йўл транспортида ҳаракат хавфсизлиги бузилишларини таснифлаш, хизмат текширувини олиб бориш ва ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2 ва 3-бандларида кўрсатилган оқибатларсиз бошқа поездлар ёки темир йўлнинг ҳаракатдаги таркиби билан тўқнашса, бекат оралиги ва бекатларда юк ва йўловчилар ташиш поездлари издан чиқса;													
поезд банд йўлга қабул қилинса;													
поезд банд бекат оралиғига жўнатилса;													
поезд тайёр бўлмаган маршрут бўйича жўнатилса ёки қабул қилинса;													
поезд тақиқловчи ишорадан ўтиб кетса;													
поезд ёки ҳаракатдаги таркиб остида йўл йўналтиргични ўтказиш;													
темир йўлнинг ҳаракатдаги таркиби поездни қабул қилиш, жўнатиш маршрутига ёки бекат оралиғига кетиб қолса;													
кегиш йўлида юк қуласа (сочилиб кетса);													
ғилдирак ўқи, ғилдирак ўқ бўйни ёки ғилдирак синса;													
вагон аравачасининг ён қисми ёки рессор уст балкаси синса;													
темир йўлнинг ҳаракатдаги таркибининг ўрта балкаси узилса;													

Ҳаракат хавфсизлиги бузилиши турлари	Январь	Февраль	Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь	20__ йил-нинг ўтган __ ойи давомида жами
техник носозликлар сабабли, ҳаракатланиш йўлидаги йўловчилар ташиш поездидан вагон узиб қолдирилса;													
поездинг чекка кранлари берк ҳолатда жўнатилса;													
йўловчилар ташиш поездидида локомотив бузилиши оқибатида ёрдамчи локомотив талаб қилинса;													
ҳаракатланиш йўлида ишлар бажарилиши вақтида поездлар ҳаракати учун хавfli бўлган жойлар ишоралар билан тўсилмаса;													
пол усти светофоридида тақиқловчи ишора ўрнига рухсат ишораси янглиш пайдо бўлса ёки секинлашиш (тўхташ) ишораси ўрнига рухсат ишораси пайдо бўлса;													
поездлар ҳаракати хавфсизлигига масъул бўлган темир йўл ходимларининг айби билан поезд авто-транспорт воситаси ёки бошқа ўзи юрар машина билан тўқнашса;													
бекатда тақиқловчи ишорадан ўтиб кетиш ҳолатини юзага келтирган рухсат ишораси тақиқловчи ишорага алмашиб қолса;													
ҳаракатланаётган поезд остида рельс синса.													
Ишдаги нуқсон ҳолатлар													
букса қизиб кетса ёки бошқа техник носозликлар сабабли вагон ҳаракатланиш йўлидаги юк ташиш поездидан узиб қолдирилса;													

Ҳаракат хавфсизлиги бузилиши турлари	Январь	Февраль	Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь	20__ йил- нинг ўтган __ ойи давомида жами
поезддаги автоулагичлар ўз ўзидан ажралиб кетса;													
йўналтиргич кесилса;													
юк ортиш қодаларининг ҳаракат хавфсизлигига таҳдид солувчи даражада бузилиши оқибатида оралиқ бекатда поезддан вагон узиб қолдирилса;													
темир йўлнинг ҳаракатдаги таркибининг автоулагичи синиб узилса;													
темир йўлнинг ҳаракатдаги таркиби деталлари йўлга тушиб қолса;													
манёврларда, экипировкаларда ва бошқа қисқа ҳаракатларда темир йўлнинг ҳаракатдаги таркиби Темир йўл транспортида ҳаракат хавфсизлиги бузилишларини таснифлаш, хизмат текширувини олиб бориш ва ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 3-банди тўртинчи хатбошисидан кўрсатилган оқибатларсиз издан чиқса;													
манёврларда, экипировкаларда ва бошқа қисқа ҳаракатларда темир йўлнинг ҳаракатдаги таркиби Темир йўл транспортида ҳаракат хавфсизлиги бузилишларини таснифлаш, хизмат текширувини олиб бориш ва ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 3-банди тўртинчи хатбошисидан кўрсатилган оқибатларсиз бошқа поездлар ёки темир йўлнинг ҳаракатдаги таркиби билан тўқнашса, оқибатда локомотивлар жорий таъмир даражасида ёки вагонларни													

Ҳаракат хавфсизлиги бузилиши турлари		Январь	Февраль	Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь	20__ йил- нинг ўтган __ ойи давомида жами
узиб олган ҳолда жорий таъмирлаш ёхуд темир йўлнинг ҳаракатдаги таркиби янада мураккаброқ таъмирлаш даражасида шикастланган бўлса;														
темир йўлнинг ҳаракатдаги таркиби қурилма, механизмлар, жиҳозлар ва бегона предметлар устига юриб келиб урилса;														
бекатлар оралиги йўлларининг бирида ёки бекатда ҳаракат графигида белгиланган вақтдан йўловчилар ташиш поездининг бир соатдан кўпроқ, бошқа поездларнинг эса, уч соатдан кўпроқ ушланиб қолишига сабаб бўлувчи йўл, темир йўлнинг ҳаракатдаги таркиби, сигналлаштириш, марказлаштириш, блокировка-лаш ва алоқа, контакт тармоғи, электр таъминоти қурилмалари ва бошқа техник воситаларнинг носозликлари юзага келса.														
Ҳаракат хавфсизлиги бузилишларининг умумий сони														
Шундан	поездлар ҳалокати													
	авариялар													
	ишдаги алоҳида нуқсон ҳолатлар													
	ишдаги нуқсон ҳолатлар													

Изоҳ: мазкур маълумотлар ҳар ойнинг 10-санасигача тақдим этилади.

Темир йўлга эгалик қилувчининг раҳбари _____
(имзо)

_____ (Ф.И.О.)